



ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Ижтимоий соҳа ривожидида муносиб иштирок этиш

партия дастурий мақсадлари амалга оширининг муҳим шартидир

“
Парламентда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижроси бўйича ҳукумат ахбороти ни эшитиш тажрибасини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳам кенг қўллаш зарур. Бу янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда жойларда юзага келаядиган муаммоларни бартараф этиш ишларининг самарали олиб борилишига хизмат қилади.



Аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қандай омиллар таъсир этади? Бу борада юзага келаядиган муаммоларни ҳал қилишда партия ташкилотлари, депутатлар нималарга эътиборни қўйиши зарур?

Бу саволларга жавоб бераётганда кўпчилик ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш ўринлари ташкил этиш, депутатлик ва жамоатчилик назоратини изчил йўлга қўйиш масалаларига тўхталиб ўтади. Лекин яна бир масала бор. Саволга жавоб бериш билан муаммо ҳал бўлмайди. Бунинг учун фикрнинг ҳаракатга айлантириш, ҳаракатлари миз эса амалий натижа кўрсатиши керак. ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида Тошкент шаҳар партия кенгашида ташкил этилган семинарда депутатлар шундай хулосага келди.

▶ Давоми 2-бетда.

14 февраль —
Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллути кунини

Улуғ шoirга эҳтиром

Андижонда мумтоз адабиётимизнинг йирик вакили, буюк шoir Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудини 531 йиллигига бағишланган адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ёзувчи ва шoirлар, бобуршунос олимлар, адабиёт илҳомлари, талаба-ёшлар иштирок этган тадбирда бебаҳо маънавий меросимизни тиклаш, ривожлантириш ва кенг намойиш этиш жараёнида улуғ ватандошимиз Бобур Мирзонинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ёшларнинг қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, эзгулик, инсонпарварлик каби эзгу гоёларни мустаҳкам қарор топтиришда Бобур меросининг ўрни ва аҳамияти катта.

Тадбирда шoir номи билан аталувчи вилоят музыка драма ва комедия театри жамоаси томонидан тайёрланган Бобур ҳаёти билан боғлиқ сахна кўринишлари намойиш этилди. Шoir ғазалларидан намуналар ўқилди, кўшиқлар ижро этилди.

Боғи Бобурдаги «Бобур ва жаҳон маданияти» музейида ташкил этилган «Бобур ва адабий муҳит» илмий-амалий анжуманида шoir асарларидаги миллий ва умуминсоний гоёлар, ёш авлодни азалий кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга бағишланган маърузалар тингланди.

— Улкан маънавий хазина бўлган Бобур ижоди, айниқса, унинг адабиёт, тарих, тилшунослик, ҳуқуқшунослик, музика ва географияга оид асарлари бизга тарихимиз ҳақида қимматли маълумотлар бериш билан бирга, ўзлимизни англашда бебаҳо манба бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди Ўзбекистон халқ шoirи Сирожиiddин Сайид. — Бобур лирикаси эса ўзбек мумтоз адабиётининг энг ёрқин саҳифаларидан биридир.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА муҳбири.

Обуначилар диққатига!

Газета сизга вақтида етиб бораяптими?

Ҳурматли газетхон!

Аввало, «Ўзбекистон овози»га бўлган эътиборингиз учун миннатдорлик билдираимиз. Биз йил давомиди ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, газетга обуна бўлган киши уни вақтида олиб ўқишни истайди. Газетамиз уйингиз ёки ишхонангизга ўз вақтида етиб боришига почта бўлимлари билан биргаликда биз ҳам масъулмиз. Ушбу масалада бирор муаммо бўлса, таҳририятимизга дарҳол қўнғироқ қилишингизни ёки ёзма равишда хабар беришингизни сўраймиз.

Тел: 233-65-45, 233-81-97.
Факс: 233-65-45.
Электрон почта: e.mail: info@uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП: «Фаол аёллар» қаноти

Оилада соғлом муҳит бўлиши

аввало, аёлларнинг тиббий маданияти ва ижтимоий фаоллигига боғлиқ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастури, Сайловолди дастурида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда иштирокини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Бу мақсадларни рўйбега чиқаришда асосий масъулият партиянинг «Фаол аёллар» қаноти зиммасига тушади, деб таъкидланди. Бухоро шаҳрида ўтказилган «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги — мамлакат келажагини белгилайди» деб номланган амалий семинарда. Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши мастуэл ходимлари, Халқ депутатлари Бухоро вилоят ва Бухоро

шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳлари аъзолари, «Фаол аёллар» қаноти етакчилари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси мутахассислари, электротар ҳамда ёш оилалар вакиллари иштирок этди.

▶ Давоми 2-бетда.

ЎзХДП Сайловолди дастуридан:

Партия ҳудудлар иқтисодий-тиби ривожлантириш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини кенгайтириш орқали аҳолининг бандлик даражаси, реал даромадларини ошириш тарафдори.

ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида

«Одамлар умид билан келади»

Бу умид ишончга айланиши учун ҳар бир мурожаатдаги муаммо ҳал этилиши йўлида курашмоқ керак

Фаргона вилояти: 2014 йил январь ойида Жамоатчилик қабулхоналарига 138 нафар фуқаро мурожаат қилди.

ЎзХДП Фаргона вилоят кенгаши Ижроия Кўмитасининг жорий йил февраль ойида «Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш, жойларда кўча Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда минтақавий партия ташкилотлари ҳамкорлигида кўча Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этиш тартиби ишлаб чиқилди. Унга кўра, вилоятдаги ҳар бир партия ташкилоти ўз ҳудудда бир ойда камида икки марта кўча Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этиши белгиланди.

Жорий йилнинг январь ойида 16 та партия ташкилоти томонидан 32 та маҳаллада кўча Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилди. Уларда халқ де-

путатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари, маҳалла фаоллари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштироки таъминланди.

Мурожаатларнинг аксарияти иш билан таъминлаш, уй-жой коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, иш ҳақи ва пенсияларни ўз вақтида олиш билан боғлиқ масалалардан иборат. Айни пайтда уларнинг 70 фоиздан ортиғи ўз ечимини топди.

Бешарик туман кенгаши кўча Жамоатчилик қабулхонасида бир гуруҳ фуқаролар ишга жойлаштиришга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Тадбирда иштирок этаётган туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази вакиллари уларга турли ташкилот ва корхоналарда мавжуд бўлган 14 та иш ўринини тақдир этиди. Мурожаат қилганларнинг мутахассислиги ўрганилган ҳолда, Хислат Қамбаров туман пахта тозалаш заводида пайвандчи, Нодира Жумаева туман тиббиёт бирлашмасига ҳамшира ва Мафтуна Баходирова лаборант вазифасига ишга қабул қилинди.

Ўзбекистон туман партия кенгаши томонидан 2014 йилнинг 17 январь кунини тумандаги Қайқубод маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган кўча Жамоатчилик қабулхонасида Маърифат Деҳқонов ва ҳамда Хуршида Мўминовларнинг болалар нафақасини расмийлаштириш юзасидан қилган мурожаати ҳам ижобий ҳал этилди.

— Одамлар Жамоатчилик қабулхоналарига умид билан келади, — дейди ЎзХДП Фаргона вилоят кенгаши раиси, халқ депутати вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Махмуджон Махкамов. — Улар ўз саволига адолатли жавоб топса, муаммоси ечимини кўрса, кейин бизга ишонади. Бу ҳақиқатни партияимиз ташкилотлари етакчиларига тушунтираёмиз.

Фаргона вилоятидаги тажриба шунини кўрсатмоқдаки, кўча Жамоатчилик қабулхоналари ЎзХДП гоё ва мақсадларини нафақат электротар, балки кенг халқ оммаси орасида тарғиб қилишнинг самарали механизмига айланмоқда.

Муҳаммадjon ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Омбудсман ҳисобот берди

Инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ қонун лойиҳалари муҳокама қилинди



Нуқтаи назар

— Ҳар бир фуқаро мамлакатда қандай қарор ва дастурлар қабул қилинаётгани, улар қай йўсинда бажарилаётгани, инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар қандай ҳал қилинаётганидан чуқур хабардор бўлиши керак. Ислохотларнинг бориши ҳақида етарли тасаввурга эга киши шунга қараб ҳаракат қилади, ўзининг иши, эртанги кунини учун режа тузади. Турли йўналишлар бўйича амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг самарасидан яхши хабардор кишида кучли фуқаролик позицияси шаклланади.

Дунёда давлат ва жамият бошқарувида ёндашув ўзгариб, тораба такомиллашиб бормоқда. Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билими юксалиши, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ошиши тараққиётнинг асосий омилли экани қайд этилмоқда. Шунинг учун жаҳоннинг кўплав давлатлари фуқаролар билан ахборот ва фикр алмашиш учун қулай муҳит яратишга эътиборни кучайтираётир. Бу ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида чуқур ислохотларни тақозо этади.

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама

Улуғбек ЗОКИРОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:



қилинаётган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасида мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ таъминлаш ҳамда ахборот олиш, ундан фойдаланиш учун қулай шaroит яратишга хизмат қиладиган метёрлар белгиланган.

Айтмоқчи бўлганим, партияимиз тизимидаги тадбирларни ташкил этишда ҳам ахборот соҳасидаги ислохотларни ҳисобга олишимиз керак. Айниқса, вилоятлар, туман ва шаҳарларда ўтказилган тадбирларимизда мавзуга мослигига қараб ўша ҳудудлар ҳаёти билан боғлиқ факт ва рақамларни, ҳокимликлар қабул қилган қарорлар, уларнинг аҳамиятини таҳлил қилишимиз лозим. Бу одамлар ўзи яшаётган ҳудудининг ҳозирги, келажак ҳақида равшан тушунчага эга бўлиши, тегишли хулосалар чиқариб олишида муҳим аҳамиятга эга.

ЎзХДП: устувор вазифалар

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини кучайтиришда нималарга эътибор қаратилиши зарур?

Мазкур мавзудаги мақола билан газетамизнинг навбатдаги сонинда танишасиз.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Ижтимоий соҳа ривожида муносиб иштирок этиш

партия дастурий мақсадлари амалга ошишининг муҳим шартидир

— Кўп эмас, бор-йўғи 5-6 йил олдин бошланган молиявий-иқтисодий инқироз сабабли дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам бири-бирдан мураккаб ижтимоий муаммолар пайдо бўлди. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши, бюджет тақчиллиги ўсаётгани, энг ёмони, ишсизлик муаммоси кучайиб бораётгани аҳоли турмуш шaroитига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Ана шундай бир вазиятда мамлакатимизда ҳар йили махсус дастур асосида минг-

лаб янги иш ўринлари ташкил этилиб, одамларнинг фаровон яшаши учун мустақкам замин яратилапти. Биргина ўтган йилнинг ўзига иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтакавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди. Биз учун энг муҳими, касб-хунар коллежларининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчиси ишга жойлашди, — дейишди депутатлар.

Депутатлар ва фаоллар истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларга маҳаллий ҳамда хорижий сармоядорларни кенг жалб этиш бўйича ташаббус кўрсатиш, бундай ҳаракатларни фаол қўллаб-қувватлаш ҳақида фикрлар билдирилганда халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутаты Нигора Эшметова шундай масалани ўртага ташлади: — Манзилли ижтимоий ҳимоя масалалари билан боғлиқ қарорлар ижроси устидан депутатлик назорати ўрнатишни ҳам кучайтиришимиз керак. Назорат-таҳлил тартибида ўрганиладиган ҳар бир масала учун, албатта, ишчи гуруҳи тузилиши ҳамда унинг иш режаси бўлиши зарур, деб ўйлайман.



Санжар ШОТЎЛГАНАВ олган суратлар.

Улугбек ВАФОЕВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари:
— Президентимиз жорий йилнинг 17 январда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратди. Бу партиямиз электротари

манфаатларига беvosита алоқадор бўлгани боис ҳар биримизнинг зиммамизга қатта вазифаларни юклайди. Айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларда партия гуруҳларимиз ўз позициясини намояндалаш керак. Жойлардаги ижтимоий-иқтисодий шaroитни ҳисобга олиб, иш ўринлари очилиши бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишда, аввало, ўзимиз фаоллик кўрсатишимиз талаб этилади.

Парламентда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижроси бўйича ҳукумат ахбороти эшитилаётганда бу масалага алоҳида эътибор қаратиш керак. Шу таъридан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳам кенг қўллаш зарур. Бу янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда жойларда юзга келмаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича берилаётган таклифларнинг пухта бўлишига хизмат қилади.

Муҳим тарқатиш, доимий комиссиялар ва сессия қарорлари ижроси мунтазам эътиборда бўлиши керак. Дейлик, битта долзарб масала сессия маҳкамасига олиб чиқилди. Энди шу масала юзасидан қабул қилинган қарор қандай ижро этилмоқда, аҳоли томонидан бу борада эътирозлар бўлмаётгани? Мана шу каби саволларга жавоб изласак, электротаримиз манфаатларига даҳлдор қўллаб масалалар ечим топади.

Рўзибек ТўРАЕВ,
ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари:
— Электротаримиз манфаати ифода этилган масалалар, авваламбор, партиямизнинг бошланғич ташкилотларида, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги гуруҳида алоҳида муҳокама қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайман.

Бу гун шаҳарда 1334 та бошланғич ташкилотимиз бор. Биз улар билан мунтазам ишлашга, мустақкам ҳамкорликни йўлга қўйиб, кучи ва салоҳиятидан самарали фойдаланса, партиямиз аҳоли билан алоқадорлиги манфаатларига даҳлдор қўллаб масалалар жойида ҳал этилади.

Шунингдек, семинарда мавзу юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзо-си Зиёвуддин Мансуров ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: «Фаол аёллар» қаноти



Оилада соғлом муҳит бўлиши

аввало, аёлларнинг тиббий маданияти ва ижтимоий фаоллигига боғлиқ

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида хотин-қизлар иштирокини кучайтириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари, Соғлом бола йилда «Фаол аёллар» қаноти зиммасидаги асосий вазифалар тўғрисида алоҳида фикр-мулоҳаза юритди.

Гулшан АСАТОВА,

ЎзХДП Марказий Кенгаши хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудир:

— Президентимиз «Соғлом бола йили» давлат Дастурини ишлаб чиқишда биринчи навбатида оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш, оилада соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустақкамлаш каби масалалар эътибор марказида бўлиши лозимлигини таъкидлади. Шундан келиб чиқиб фикр-мулоҳазаларни қилган бўлсак, бу йил қанотимиз аъзолари ҳар қачонгидан фаолроқ, ташаббускорроқ бўли-

ши зарурлигини англаймиз. Чунки кун тартибига қўйилаётган масалалар қанотимиз фаолиятининг муҳим йўналишидир. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириш, тиббий маданиятини юксалтиришда депутатлар ва партиямизнинг ижтимоий шериклик имкониятларидан умумий фойдаланишимиз керак. Бу хотин-қизларнинг ўйланган муаммолар ечим топишида муҳим аҳамият касб этади.

Робия КОЗИМОВА,

ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Аёлларимиз кўнглига кириб борсак, улар тасаввурда давлатимиз томонидан хотин-қизлар учун берилаётган имкониятлар, яратилаётган имтиёзлар кўламини манзарасини ярата олам, шу жараёнда айрим муаммоларни ўрганиб, ечимини топа билсак, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фаоллиги кучайишига кенг йўл очган бўламиз.

Вилоят бўйича партиямизга аъзо хотин-қизлар 12 минг 535 нафарни ташкил этади. Хотин-қизларнинг фуқаролик жамияти курашида фаол иштирокини таъминлаш, келгуси сайловларда номзодларнинг депутатликка илтири суриш, тиббий маданиятини юксалтириш, оилавий таъдбиркорлик ва касаначиликка жалб этиш ҳамда ижтимоий-маиший шaroитларини янада яхшилаш мақсадида қатор семинар-тренинглар ташкил этила-

пти. Масалан, ўтган йили «Мустақкам оила — жамият таянчи» лойиҳаси доирасида қатор амалий тадбирлар ўтказилди. Уларда хотин-қизларнинг ўйланган муаммоларини ўрганиб, ечимини топа билсак, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фаоллиги кучайишига кенг йўл очган бўламиз.

Бону КОМИЛОВА,

Халқ депутатлари Когон туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари, «Фаол аёллар» қаноти туман бўлими етакчиси:

— Халқ депутатлари Когон тумани Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи фаол аёлларимизнинг таклифига кўра, маҳалларда ташкил этилган оилани ижтимоий ҳимоялаш марказлари фаолияти билан таъминлаш чекли. Жумладан, хотин-қизларни тикувчилик, каштакчилик, зардўзлик, касаначиликка жалб қилиш, аёлларнинг оила бюджетига ҳиссасини кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Унинг натижаларини умумлаштириб, туман Кенгаши сессияси муҳокамасига олиб чиқишни мақсад қилганмиз.

Қанот ва партия гуруҳлари ҳамкорлигида маҳалларда

аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, оиладаги муаммоларни қандай ҳал қилишида аёлларнинг вазифаси, томоғка орқали оиланинг даромадини кўпайтириш мавзуларида суҳбатлар олиб борилапти. Уларнинг фикри ва таклифлари ўрганилапти. Шу асосда «Фаол аёллар» қанотининг муҳим вазифаларини, қайси йўналишга кўпроқ эътибор қаратиш кераклигини белгиллаб оламиз. Партия гуруҳи эса туман Кенгаши доимий комиссиясига, зарур бўлса, сессиясига масала тайёрлаш бўйича иш олиб боради.

Маъмурахон САФОЕВА,

Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассиси:

— Аёл қачон бахтли бўлади, қачонки оиласи тинч, юрти фаровон, фарзанди соғлом бўлса. Бугунги кунда мамлакатимизда еш авлодга соғлом ва баркамол қилиб вояга етказишда ҳавас қилса арзиғлик кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловли дастурида оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даража-

сини оширишга доир вазифалар белгиланган. «Фаол аёллар» қаноти тадбирларини ташкил этишда, аввало, аҳоли тиббий маданиятини оширишга эътибор қаратиши керак, деб ўйлайман. Тиббий саводхонлиги юқори она оилада соғлом турмуш тарзи бўлиши учун ҳаракат қилади. Соғлом оила — соғлом миллат, соғлом жамият деганидир.

Семинар давомида «Соғлом бола — соғлом оилада камол топади», «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаолликка» каби мавзуларда интерфаол машғулотлар ўтказилди. Вилоятнинг шаҳар ва туманларидан келган фаол аёллар ўзаро тажриба алмашишди.

Басандабону ЖАЛИЛОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: тажриба ва таҳлил

2013 йилда 233 та масала халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларида кўриб чиқилган бўлса, улардан 136 таси тегишли доимий комиссиялар йигилишларида, 120 таси сессияларда муҳокама этилди.

Ҳуқуқ ва ваколатларнинг кенгайиши



Боймурод ЮСУПОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши Аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими мудир:

Жаҳон тажрибаси давлат ҳокимияти органларини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгиллаб олишда сиёсий партияларнинг иштирокини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини ҳар томонлама ошириш, ҳуқуқий жиҳатдан имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш керак. Бу принцип давлат бошқарувини янгиллаш ва янада демократлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Жорий йил 21 январда матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар қилиш тўғрисида»ги қонун билан «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимча киритилди. Ундан кўзланган мақсад маҳаллий давлат ҳокимияти вакилилик органларидаги партия гуруҳлари ваколатларини янада ошириш ва фаолиятини такомиллаштиришдир.

Киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, эндиликда партия гуруҳи тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгашининг раисига ва Вазирлар Кенгашига, вазирларга ҳамда бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликлар бўлими ва бошқармаларнинг раҳбарларига, тегишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан мувожаат қилиши мумкин.

Партия гуруҳлари тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз

масъулиятни янада оширади

лиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Партиямизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури қабул қилинди. Унда ҳар бир туман, шаҳар партия кенгаши ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳлари олдида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами дуч келаётган масалаларни ўрганиш, партия гуруҳлари, тегишли доимий комиссиялар йигилишларида муҳокама қилиш, сессиялар кун тартибига олиб чиқиш бўйича аниқ вазифалар кўйилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг 2011-2013 йиллардаги фаолияти натижалари таҳлили Ҳаракат дастури ижросини таъминлашга улар муносиб ҳисса қўшаётганини кўрсатди. Хусусан, 2011 йилда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари 53 та масалани ўз йигилишларида кўриб чиқди. Шуларнинг 27 таси тегишли доимий комиссиялар йигилишларида, 22 таси эса сессияларда муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. 2012 йилда 92 та масала партия гуруҳлари томонидан ўрганилиб, доимий комиссияларга 73 та сессиялар муҳокамасига 66 масала олиб чиқилган эди.

Электротариманфаатлари билан боғлиқ турли ижтимоий масалаларни ўрганиш, уларни ҳудудлар ривожини нукта назарида таҳлил қилиш бўйича таъинланган тажриба ўтган йили кўрилган натижалар берди.

2013 йилда 233 та масала халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларида кўриб чиқилган бўлса, улардан 136 таси тегишли доимий комиссиялар йигилишларида, 120 таси сессияларда муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди. Бундан ташқари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларидаги 136 нафар депутат томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбар-

ларига уларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича 2800 дан ортиқ депутатлик сўрови юборилди.

Жойларда партия гуруҳлари ташаббуси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида 17 марта маҳаллий ижро ҳокимияти мансабдор шахсларининг ижтимоий соҳаларга оид масалалар юзасидан ҳисоботлари эшитилди.

Минтақалар иқтисодиёти, ижтимоий инфратузилмаси ва меҳнат ресурсларини мувозанатли комплекс ривожлантиришнинг мунтазам инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда партия гуруҳлари иштирокини кучайтириш муҳим вазифа ҳисобланади. Партиямиз бунга алоҳида эътибор билан қарамоқда. Хусусан, ўтган йили Сирдарё ва Жиззах вилоят Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари ташаббуси билан замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш янада яхшилаш, коммунал хизматлар соҳасидаги муаммоларни ечиш, маҳаллийлаштириш дастурлари доирасида янги ишлаб чиқариш корхоналарини яратиш, шу орқали коллежлар битирувчиларини иш билан таъминлаш, бу борада таъсирчан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳақидаги масалалар вилоят Кенгашлари сессияларида кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Натижада биргина Сирдарё вилоятида 38,7 км. ички йўллар, 433,2 км. коммуникация, 85 км. тоза ичимлик суви тармоқлари барпо этилди. Бу ишлар тўлиқ ва сифатли бажарилишида депутатлик назорати кўнатирилган муҳим ўрин тутди.

Шунингдек, Жиззах вилоятида маҳаллийлаштириш дастурлари доирасида янги ишлаб чиқариш корхоналарини яратиш бўйича партия ташкилотлари, депутатлар томонидан қатор амалий ишлар қилинди. Хусусан, 5 та лойиҳани амалга оши-

риш орқали 50 дан ортиқ иш ўрини яратилди.

Юқоридаги мисоллар партия ташкилотлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари билан ҳамкорликда электротарини ўйлантираётган масалалар ечимини бўйича фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатса, амалий натижаларга эришиш мумкинлигини исботлаб турибди.

Президентимиз Конституция байрамда ва жорий йил 17 январдаги Вазирлар Маҳкамаси йигилишида билдирган тахлилий фикрлар, илгари сурилган муҳим вазифалар ҳар томонлама ҳисобга олинб, яқинда партиямизнинг 2014 йилга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастури қабул қилинди. Соғлом бола йилидаги устувор вазифаларни амалга ошириш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларида фаол иштирок этиш, электротариманфаатларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича партия ташкилотлари ва партия гуруҳлари олдида аниқ вазифалар кўйилди.

Уларга асосан партия ташкилотлари ва партия гуруҳлари ижтимоий соҳа билан боғлиқ масалаларни ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ўрганиб, аниқланган камчилик ва муаммолар ечимини бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилади. Иш ўринлари яратиш, бандлиқни таъминлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш масалалари бўйича партия гуруҳлари ташаббуси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида маҳаллий ижро ҳокимияти мансабдор шахсларининг ҳисоботлари эшитилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига алоҳида эътибор қаратилади.

Электротариманфаати ҳимояси билан боғлиқ масаланинг сессияга олиб чиқилиши, бу ҳақда қарор қабул қилиниши партияимиз ўз позициясини намояндалашини кўрсатади. Амалий ишлар одамларнинг партиямизга ишончини, жамиятдаги таъсир кучини оширади.

Жаҳон мамлакатлари сиёсий партиялари ва парламентлари

Ижтимоий сиёсатни чуқурлаштириш

ҳамда мамлакат сиёсий ҳаётини барқарорлаштириш ноялари фаол қўллаб-қувватланди



Италия Республикаси ривожланиб бораётган кўппартияли тизимга эга. Мамлакат конституциясининг 49-моддасига кўра, сиёсий партиялар фуқароларнинг мамлакат сиёсий ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқини таъминлайдиган эркин бирлашмадир.

Аввало, нима учун Италияда муддатидан олдин сайлов ўтказилди, деган саволга оидинлик киритиш керак бўлади. 2008 йилги парламент сайловларида Халқ эркин партияси етакчилик қилаётган ўнг марказчилар коалицияси Шимолий лига билан бирга Депутатлар палатасида ҳам, Сенатда ҳам мутлақ кўпчилик ўринини эгаллаган эди.

Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқини таъминлайдиган эркин бирлашмадир. 2013 йил 24-25 февраль кунлари бўлиб ўтган муддатидан олдинги сайловларда Италия парламентининг куйи — Депутатлар палатасига 630 нафар депутат, юқори палата — Сенатга 315 нафар аъзо сайланди.

тугатиб, ўз тарафдорлари билан янги тузган Италиянинг келажғи ва озодлиги учун партияси ҳам унга ёрдам беролмади. 2010 йил охирида у парламентда янги тузган Массария ташаббус гуруҳи ёрдамида ҳукуматга билдирилган ишончсизлик вотумидан қийинчилик билан сақланиб қолган эди.

инқирози ҳамон давом этаётган, хусусан, Италияда ҳам ижтимоий вазият танг аҳволга келиб қолган бир пайтда ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш долзарб аҳамиятга эга эди.



Автомобилда чекиш



да амал қилади. Шу боис депутатлар Шимолий Ирландия ва Шотландияни ҳам шундай қонун қабул қилишга чақирди.

Тақиқланди

Буюк Британия парламенти автомобилда сикетет чекиши тақиқловчи янги қонун лойиҳасини кўпчилик овоз билан қабул қилди.

Церерада



Астрономлар Церера деб аталувчи кичик сайёрада сув борлигини аниқладилар. Сув захираси жуда мўл бўлиб, таркибига кўра ичишга яроқли деб топилди.

либ туради, деб хабар беради «Global Science» нашри. Айни пайтда мутахассислар мазкур сайёрани ўзлаштиришнинг мукамал режасини ишлаб чиқиш устида бош қотирмоқдалар.

Advertisement for NAMKORBANK. Features the bank logo, text 'BIRGALIKDA YUKSALISH SARI', and several small images showing people in various settings. The main headline reads 'Oilalar farovonligi uchun'.

Advertisement for Qishloq Qurilish Bank. Headline: 'Imkoniyatlar yangi maqsadlariga chorlaydi'. Text describes services for agricultural and construction sectors.

Advertisement for Tashkent Realtor Service. Headline: 'Tashkent Realtor Service MCHJ'. Text advertises real estate services and auctions.



«Tashkent Realtor Service» MCHJ. 2013 йил 17 декабрь кунини бўлиб ўтган очик танлов савдосининг натижасини маълум қилади: Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Бўстонлик КФЙ, Юсулхона қишлоғида жойлашган 1,85 га ер майдонида «Дам олиш оромгоҳи ва майиш хизмат кўрсатиш мажмуаси ҳамда пляж» барпо этиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи минимал қиймати 6 958 373 сўм, сотилиш баҳоси 7 500 000 сўм.

Маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб, ишбилармонлик фаолиятини кенгайтиришга киришимиз. 2011 йилда ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Яккабоғ филиали томонидан ажратилган 200 миллион сўм миқдоридagi кредит эвазига бино ва товуқлар сотиш олдик. 2012 йилда эса паррандачилик фаолиятини кенгайтириш мақсадида Халқаро тараққиёт ассоциациясининг «Қишлоқ хўжалиғи корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси II Фаза» кредит лийниси ҳисобидан 165 245,00 АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли кредит олиб, хориждан 26 000 та туҳум берувчи туҳум ҳужа сақлаш ускуналарини келтирдик.

«Ташкент Реалтор Сервис» МЧЖ. Тошкент вилояти, Чилонзор тумани Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастр хизмати (БТИ) томонидан Чилонзор тумани, Собир Қориев кўчаси, 6-уйга тегишли «Консулт Инвест Лизинг» МЧЖга берилган уй плани ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклига ўтказиладиган очик аукцион савдосига ТАКЛИФ ЭТАДИ. Очик аукцион савдосига Тошкент вилояти, Зангиота тумани «Чоштеля» КФЙ, «Тургунбой Соҳибкор» агрофирмаси ҳудудидagi «ABDUFATTOX-ZIROAT» фермер хўжалигидан турман захира ерлари ҳисобига олинган жами 4,76 гектардаги 4,23 гектар ер майдонида жойлашган 1280 тул узум кўчатларидан иборат узумзор қўйилмоқда, бошланғич баҳоси 6 849 000 сўм.

Банкнинг Бухоро филиали жамоаси миндан зиёд миқдорга эга, жойларда 12та минибанк ташкил қилинган. Банк иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда санатини йилдан-йилга кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришда фаол иштирок этмоқда.

Истеъмол кредитининг афзаллиғи шундаки, пул йиғиб шунча нарсани олиш учун анча вақт керак. Бунинг устига рўзгорга ҳали у, ҳали бу нарсга зарур бўлади. Шунча маблағни жамғариш анча қийин. Ушбу кредит эса оилалар оғирини енгил қилмоқда.

«Хамкорбанк» ОАТБ Бухоро филиалидан 198 800 евро миқдорида кредит олдик, — дейди Бухоро вилояти Ромитан туманидаги «Ромитансавдо» масъулияти чеklangан жамияти раҳбари Зойир Самиев. — Ушбу кредит эвазига нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш учун замонавий дастгоҳлар харид қилдик.

Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг доврғини дунёга таратган улғў аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур:



Ғолиблик сурури, мағлублик изтироблари...

«Бобурнома» — психологик кечинмалар олами. Унда ўзгарувчан ва беқарор сиёсий муҳит, мағлубликдан ғолиблик шохсупасига кўтарилиш ва яна мағлубликнинг аччиқ аламини тортиш, ўкинч, қувонч, шодлик туйғуларининг ўрин алмашиши моҳирона очиб берилган.

Мураккаб ҳолатларни тасвирлаш, шахс руҳиятида содир бўладиган ўзгаришларни илғаш, изоҳлаш Бобурнинг юксак бадиий маҳоратидан далолат беради. Мазкур асарда султондан тортиб олдиқ инсон руҳиятигача қаламга олинган.

«Бобурнома»даги қаҳрамонларга оид бадиий тасвирлардан биз XVI асрда бўлиб ўтган тарихий воқеалар, тожтахт учун кураш, шохларнинг дунёқарши, мулкка эгаллик қилиш ва мулк бўлиш тарихи, оқибати, фитнес-нифоқлар теран ва кенг қамровли, таҳлили услубда тасвирланганига гувоҳ бўламиз.

«Бобурнома»даги тимсолларнинг ҳар бири даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига мансублиги боис ўз характер, хусусиятлари билан ажралиб туради.

Муҳими, ғолиб ва мағлубларни тасвирлашда замон, вақт, макон воқелиги, ҳусусан, жанг майдонларидаги жасорат ва қўрқоқлик, марлилик ва хиёнат, ғолиблик шунга қарши мағлублик изтироби билан ўрин алмашади.

Замонанинг машҳур кишилари мавқеи, характеридаги типологик жараёнлар кўз ўнгини қамраб олиб беради. Инсонлар онг-шуурида юз берадиган нозик ўзгаришлар драматизми «Бобурнома»нинг нафақат тарихий, географик, этнографик асар сифатида, балки бадиий кашфиёт сифатида ҳам ниҳоятла юксаклигини аниқлатади.

Шу ўринда, «Бобурнома»да зикр этилган 1494-95 йиллар воқеаларига назар ташласак. Ёш Бобур биринчи марта Самарқанд тахтини эгаллайди. Унинг қувончи чексиз. «Самарқанд тахтига ўлтурғоч, Самарқанд бекарини бурунқадек-ўқ риоят ва шоят қилдим. Бизнинг билан бўлган бекарлиги ҳам фарохўри ҳолларига яраша тарбият ва шафқат қилдим».

Минг афеуски, ғолиблик сурури узоқ давом этмайди. Бобур атрофидагиларнинг,

айниқса, Узун Ҳасаннинг хиёнати туғайли Самарқанд қўлдан чиқади. Илоҳсиз Бобурни бекар ва лашкарлар ташлаб кета бошлади.

Ғолиб Бобур мағлуб Бобурга айланади. «Черик элининг ўлжаси тугади. Самарқандни олғонда Самарқанд андоқ хароб эрдиким, мадад ва туҳм ва тоқовига эҳтиёж бор эди. Чи жойи улқим, киши анди нима ола олғай».

Бобур Самарқандни ташлаб Андижонга йўл олади. Бу ерда эса уни фитнес қутарди. Андижон қалъаси эшиги Бобур учун ёпилади. «Андижонга бўла Самарқанди илкдан бердук. Андижон ҳам илкдан чиққим эди. Бизга «гофил аз иншо ронда ва аз онжо манда» дегандек бўлди. Бисёр шақ ва душвор кеади. Не учунким, то подшоҳ бўлук эрдим, бу навъ навкарлиги ва вилоятини айрилмайдур эрдим, то ўзуми билуб эрдим, бу йўсунаўқ ранж ва машаққатни билмайдур эрдим».

Оралам қисқа муддат ўтгач, Бобур Самарқандни иккинчи марта эгаллайди... Яна уни қўлдан бериб, илоҳсиз бир аҳволда Андижонга юз тутайди. «Ота вилоятимиким,

ишқи йилга ёвуқлашиб эрди-ким, илкдин чиқиб эди. Тенг-ри инояти билан зулқавада ойида сана 904 да яна муяссар ва мусаххар бўлди. Султон Аҳмад Таибалқим, Жаҳонгир мирзо билан қатилиб, Уи сари тортиб эди, Ушқа киргач, Ушда ҳам қизилюёқ, қоратаёқ қилиб зарби рист ура-ура Ушдин қовлаб, қўрғонни бизнинг учун сахлаб, бизга киши йибордилар».

Ғолиб Бобур, мағлуб Бобур. Ҳар икки ҳолатни ҳам сабртоқат билан кутиб олган, аёвсиз тан олган, ўзига шафқатсиз Бобур. Бу ҳақиқатларни авлодлар учун ёзиб қолдирган мардона Бобур.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, Бобур қисқа умри давомида ғолиблик мартабасига кўп марта сазовор бўлса-да, мағлубият азобларини ҳам муносиб қарши олди. Унинг руҳий кечинмалари мана бу сатрларда янада ёрқинроқ ифода этилган: Ҳол ул эдиким, ҳикоят эттим, Гаҳ шуқру гаҳ шикоят эттим. Исроил СУЛАЙМОНОВ, филология фанлари номзоди.

Спорт

Тошкентнинг «Локомотив» футбол жамоаси Осиё чемпионлар лигаси плей-офф босқичида муваффақиятсиз иштирок этгандан сўнг жамоа бош мураббийи Ҳаким Фузайлов истеъфога чиқарилди.

Вадим Абрамов — «ЛОКОМОТИВ» жамоаси бош мураббийи

Унинг ўрнини эса таникли мутахассис Вадим Абрамов эгаллади. Бу мураббий 2009-2010 йилларда ҳам «Локомотив» клубини бошқарган. Кейинчалик Ўзбекистон миллий ва Олимпия терма жамоаларида фаолият олиб борган. Вадим Абрамов бош мураббийлигида мамлакатимиз миллий терма жамоаси 2011 йилда ўтказилган Осиё чемпионатида кучли тўртликдан жой олган эди.

Боксчимиз дунё таснифида

Кучли учликдан ўрин эгаллади

Куни кеча Халқаро хаваскор боксчилар ассоциацияси (AIBA) жаҳоннинг энг кучли боксчилари янги тасниф жадалини эълон қилди. Унда ўзбекистонлик «чарм кўлқоп» усталари ҳам кучлилар қаторига қайд этилганлиги қувонарлидир.

Жумладан, дунё бокс таснифида ҳамюртларимиздан Ойбек Мамазулунов 81 кг вазн тоифасида кучли учликдан жой олган бўлса, яна бир истеъдодли спортчимиз Жасурбек Латипов (52 кг) тўртинчи ўринда қайд этилган.

Эслатиб ўтамиз, 2013 йилда Қозоғистонда ўтказилган XVII жаҳон чемпионатида Жасурбек Латипов кумуш, Ойбек Мамазулунов эса бронза медали билан тақдирланган эди.

Эркин ХОЛБОВО

Душманники бу дахр забардаст қилур, Нахват майдин бир неча кун маст қилур, Ғам емаки, еткурса бошини кўкка, Охир яна ер киби они паст қилур.

Ҳаёт ҳақиқатларини тан олиш, ғалабадан масрурлик, мағлубият армонлари, кўнгли кемтиклар, инсон манзаралари, қалб исёнлари — буларни билиш, англаш ва ҳис қилиш учун «Бобурнома»ни ўқиш керак.

У нафақат тарихий воқеалар силсиласи, балки шоир туйғулари, ҳолатлар ҳосиласидир.

Хуш ул кишики замонини яхши ўтқарди

Ахбоб, йигилмоқни фароғат тутунгиз, Жамиятингиз борини давлат тутунгиз, Чун гардиши чарх будурур, тенгри учун, Бир-бирни неча куне ганимат тутунгиз.

Хулқунгни рост қилғил ҳар сориғаки борсанг, Аҳсанта дер бори эл гар яхши от чиқарсанг.

Бедард хабиб билмади дардимни, Туфроқча кўрмади руҳи зардимни, Мендин неча кўнглида губори бўлғай, Кетдим муна, эмди топмағай гардимни.

Хуш ул бурунқи замоналарки, ўттию борди, Хуш ул кишики замонини яхши ўтқарди.

Мурод васлинг эрур, айла ёд Бобурни, Унутмағил яна бу номурод Бобурни.

Қарор ва ижро

Малакали кадрлар — мамлакат таянчи

Мамлакатда ўтказилаётган демократик ва ҳуқуқий ислохотлар, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг юксак талаблари ҳамда замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ Адлия вазирлиги ҳузуридаги Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университетига айлантирилди.

Ушбу қарорга мувофиқ, ТДЮУ «юриспруденция» мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича базавий давлат олий таълим ва илмий-методик муассасаси этиб белгиланди. Шунингдек, мазкур ҳужжатда ТДЮУнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари ҳам белгиланди.

Жумладан, давлат ҳуқуқи ва бошқаруви, жиноят ҳуқуқи ва процесси, фуқаролик ҳуқуқи ва процесси, тадбиркорлик ҳуқуқи (бизнес ҳуқуқи), халқаро, халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи ва юридик таълимнинг бошқа ўстувор йўналишларини бўйича талабаларнинг фундаментал базавий, шунингдек, амалий касбий тайёрлигини таъминлайдиган дастур ва ўқув режалари асосида бакалаврлар, магистрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилиши лозимлиги таъкидланди.

Қарор асосида ТДЮУ тизимида Фанлар академиясининг тугатилган Фалсафа ва ҳуқуқ институти базасида ҳуқуқий тадқиқотлар маркази ташкил этилди. Унинг асосий вазифалари давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий бозор ислохотларини чуқурлаштириш, шунингдек, мамлакатда қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни муҳофиза қилиш фаолияти соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказишдан иборатдир.

Бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда университетда бакалаврлар тайёрлаш бўйича соҳа мутахассисликлари белгиланди. Хусусан, давлат-ҳуқуқий фаолият, фуқаролик-ҳуқуқий фаолият, жинсий-ҳуқуқий фаолият, халқаро-ҳуқуқий фаолият ва тадбиркорлик-ҳуқуқий фаолият (бизнес ҳуқуқи) бўйича мутахассисликларга ажратилди.

Талабаларнинг мутахассисликлар ва бошқа юридик фаолият соҳаларида билим ва амалий кўникмаларни чуқурроқ эгаллаш заруратини ҳисобга олган ҳолда иختисослаштирилган таълим бериш дастурлари доирасида махсус ҳуқуқий фанлар бўйича ўқув юкламаси ҳажми оширилди.

Таълим жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида мутахассислик фанларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Олий суди, Олий хўжалик суди, прокуратура органлари, суд экспертиза марказларида ўқитиш амалиёти йўлга қўйилган. Қолаверса, амалиётчи мутахассислар дарс жараёнларида фаол жалб қилинмоқда.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда аҳолининг ҳуқуқий маданияти, қабул қилинаётган қонун ва мезърий ҳужжатлар сифати муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда юқори малакали юридик кадрларга катта эҳтиёж сезилади. Тошкент давлат юридик университети зиммасига эса айнан ана шундай юксак вазифаларни бажариш юклатилган. Университет жамоаси ўз зиммасидаги масъулиятни яхши ҳис этиб турибди ва уни тўлақонли бажариш салоҳиятига ҳам эга.

Қумриниса АБДУРАСУЛОВА, Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири, профессор, Нодирбек САЛАЕВ, катта ўқитувчи, юридик фанлар номзоди.

Кўнгил бедорлиги

«Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик Ботурхон Валихўжаевнинг «Мумтоз сиймолар» китобидан:

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бобоси Абу Саид мирзо, отаси Умар-шайх мирзолар нақшбандия тариқатининг ўша даврдаги пешовари Хожа Ахрор Валӣни ўзларининг маънавий муридид-пирлари деб билардилар. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам бу муриддининг хонадонига ихлос қўйган ва бу тариқатнинг она-ватанидаги муридларини эҳтиром қиларди. Шундан-да, у Хожа Ахрор Валӣнинг «Волидия» рисоласини ўзбек тилига назм билан ўгириб, маслаҳат олиш учун бу асарни Хожа Аҳмад Косоний — Маҳдуми Аъзам Даҳбедий ҳазратларига юборган эди. Бу ҳазрат ҳам асарни маъқуллаб, унга жавобан «Бобурия» рисоласини ёзиб юборарди. Аммо унинг Бобурга этиб борган-бормагани ҳозирча номаълум... 1528 йилда Бобур иситма касалига учраб, анча қийналади. Шунда Хожа Ахрор Валӣни Вали руҳига мурожаат қилиб, унинг «Волидия» номли асарини ўзбек тилига шеърли таржима қила бошлайди. Бу жараён 10-12 кун давом этади. Шу орада Бобур оғир касалликдан шифо топади. «Бобурнома»да қайд этилишича, ушбу вақт давомида у улзуксиз ижод қилган ва хаттоки, бир кун икки икки байтнинг қоғозга туширган экан...

«Волидия» икки юзу қирқ уч байт бўлиб, унда илоҳий ва одоб-ахлоқ масалаларидан баҳс юритилди. «Волидия»дан қузатилган асосий мақсад «уйқуллик (ғафлатда қолган) кўнгуллари бедорлиг»га етказишдан, яъни инсонни ўзлигини таниш орқали Ҳақ тасло маърифатидан огоҳ бўлишга ҳидоят қилишдан иборат. Огоҳлик, ўзни таниш, Ҳақ маърифатини ид-